



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 6 - Эмбар

6 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Раҳманов Фарҳаднинг
турар жой биносига бўлган эгалик
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Раҳманов Фарҳаднинг “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 17 ноябрдаги ХО-Р-3213-сонли аризасини, “Нурафшон” шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 10 ноябрдаги 3915-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган 17 (ўн етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 8 (саккиз)та бўлиб, ички ўлчами 219,82 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 9 (тўққиз)та бўлиб, ички ўлчами 216,33 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 436,15 квадрат метр, қурилиш ости майдони 555,71 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1529,2 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 229,2 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Раҳманов Фарҳадга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Раҳманов Фарҳадга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва

иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келилмаган ҳолда амалга ошириганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилаётган 229,2 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Раҳманов Фарҳадга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев